

ДАВЛАТ ТАБИАТ ЁДГОРЛИКЛАРИНИ ЭКОЛОГИК ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

Шоймардонов Ботиржон Норкелдиевич
Термиз давлат университети Юридик факультети
“Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи”
кафедраси ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада давлат табиат ёдгорликларини экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилишининг аҳамияти ва уни илмий-назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинган. Шунингдек, глобаллашув шароитида табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни экологик муҳофаза қилиш бугунги куннинг энг долзарб муаммолари илмий жиҳатдан ўрганилган. Ушбу таҳлиллار натижасида давлат табиат ёдгорликларини экологик ҳуқуқий муҳофаза қилишни такомиллаштиришга бир қатор таклифлар берилган.

Калит сўзлар: давлат табиат ёдгорликлари, ўсимликларни сақлаб қолиш учун мўлжалланган ботаник ёдгорликлар; табиат яратган рельеф шаклларини сақлаб қолиш учун мўлжалланган геоморфологик ёдгорликлар, қазилма объектларни сақлаб қолиш учун мўлжалланган палеонтологик ёдгорликлар; геологик ва минералогик ҳосилалар.

ЭКОЛОГО-ПРАВОВАЯ ОХРАНА ГОСУДАРСТВЕННЫХ ПАМЯТНИКОВ ПРИРОДЫ

Шоймардонов Ботиржон Норкельдиевич
Термезский государственный университет Факультет права
Преподаватель кафедры «Теория и история
государства и права»

АННОТАЦИЯ

В статье анализируется значение эколого-правовой охраны государственных памятников природы и ее научно-теоретические и практические аспекты. Также в условиях глобализации наиболее актуальные на сегодняшний день проблемы рационального использования природных ресурсов и их экологической защиты изучены с научной точки зрения. В результате этих анализов внесен ряд предложений по совершенствованию эколого-правовой охраны государственных памятников природы.

Ключевые слова: государственные памятники природы, ботанические памятники, предназначенные для сохранения растений; геоморфологические

памятники, предназначенные для сохранения форм рельефа, созданных природой, палеонтологические памятники, предназначенные для сохранения ископаемых объектов; геологические и минералогические образования.

ENVIRONMENTAL LEGAL PROTECTION OF STATE NATURAL MONUMENTS

Shoymardonov Botirjon Norkeldievich

Lecturer at the Department of Theory and

History of State and Law,

Faculty of Law of Termez State University

ABSTRACT

The article analyzes the importance of ecological-legal protection of state natural monuments and its scientific-theoretical and practical aspects. Also, in the conditions of globalization, the most urgent problems of today's rational use of natural resources and their ecological protection have been studied from a scientific point of view. As a result of these analyses, a number of proposals were made to improve the environmental legal protection of state natural monuments.

Keywords: *state nature monuments, botanical monuments designed to preserve plants; geomorphological monuments designed to preserve relief forms created by nature, paleontological monuments designed to preserve fossil objects; geological and mineralogical formations.*

КИРИШ

Глобаллашув шароитида табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни экологик муҳофаза қилиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан биридир. Шундай экан Ўзбекистон Республикасида давлат табиат ёдгорликларини экологик ҳуқуқий муҳофаза қилишни бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг устувор йўналишларидан биридир. Бинобарин, давлат табиат ёдгорликларининг мамлакат иқтисодиёти ва экотуризмдаги улушини беқиёс эканлигини инобатга оладиган бўлсак, давлат табиат ёдгорликларини экологик ҳуқуқий муҳофаза қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилиши давлатнинг экологик сиёсатининг муҳим таркибий қисмидир.

Зеро, мамлакатимизда давлат табиат ёдгорликларини экологик ҳуқуқий муҳофаза қилиш экология ҳуқуқининг бир субинститути бўлиб, уни ҳуқуқий таъминлаш ва муҳофаза қилиш масаласини долзарблиги алоҳида аҳамиятга эга бўлиб бу соҳада қонунчиликни такомиллаштириш борасида амалга

оширилаётган ислохотларга ўзаро узвий алоқадорлигини ҳам алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Бундан ташқари давлат табиат ёдгорликларини экологик ҳуқуқий муҳофаза қилиш соҳасидаги экологик-ҳуқуқий чоратадбирларининг илмий-амалий жиҳатдан етарли тадқиқ этилмаганлиги, давлат табиат ёдгорликларини экологик ҳуқуқий муҳофаза қилиш ҳуқуқий механизмини замон талаби асосида ҳуқуқий таъминлашни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш мамлакатимизда экология ҳуқуқи фани олдидаги муҳим йўналишлардан бири эканлиги эътиборга лойиқ.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Юқоридаги кўрсатилган жараёнларда, давлат табиат ёдгорликларини экологик ҳуқуқий муҳофаза қилишни таъминлаш ўзига хос аҳамиятга эга. Зотан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси ва 2019 йил 30 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-5863-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 майдаги 434-сон қарорига асосан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида Экологик таълимни ривожлантириш Концепцияси”да ушбу муаммонинг ушбу йўналишларининг бири сифатида айнан табиатдан фойдаланишни бошқаришнинг самарали иқтисодий методларини жорий этиш ва давлат табиат ёдгорликларини экологик ҳуқуқий муҳофаза қилишга алоҳида эътибор бериш кўрсатилган.

Бундан кўриниб турибдики, давлат табиат ёдгорликларини экологик ҳуқуқий муҳофаза қилишни такомиллаштириш экология ҳуқуқида алоҳида ўзига хос ўрни мавжуд. Демак, юқоридаги масалаларни кенгрок ўрганиш мақсадида, давлат табиат ёдгорликларини экологик ҳуқуқий муҳофаза қилиш, бу борадаги қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва ўрганиш зарурати тадқиқот мавзусининг долзарблигидан далолатдир.

Давлат табиат ёдгорликларини экологик муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий тартибга солиш тушунчаси, мақсади ва вазифаларини белгилаб олиш учун давлат табиат ёдгорликларини бирма бир аниқлаштириб олиш лозим бўлади. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрдаги “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги”¹ қонунининг 26-моддасида, “Давлат табиат ёдгорликларининг турлари кўрсатилган. Унда ноёб, ўрнини тўлдириб бўлмайдиган, экологик, илмий, маданий ва эстетик жиҳатдан қимматли табиий объектлари бор муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат табиат

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрдаги “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги” қонуни.

ёдгорликлари ҳисобланади. Давлат табиат ёдгорликлари қуйидаги турларга бўлинади: табиий сув объектларини сақлаб қолиш учун мўлжалланган гидрологик (ботқоқ, кўл, дарё ва бошқа) ёдгорликлар; айрим ўсимликларни сақлаб қолиш учун мўлжалланган ботаник ёдгорликлар; табиат яратган рельеф шакллари сақлаб қолиш учун мўлжалланган геоморфологик ёдгорликлар; қазилма объектларни сақлаб қолиш учун мўлжалланган палеонтологик ёдгорликлар; геологик ва минералогик ҳосилаларни сақлаб қолиш учун мўлжалланган геологик ва минералогик ёдгорликлар белгилаб қўйилган.

Ушбу қонуннинг 11-моддасида “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тадбирларини амалга оширишда давлат органларига кўмаклашадилар. Давлат органлари ана шу тадбирларни амалга ошираётганда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг таклифларини инобатга оладилар. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ташкил этилаётган, муҳофаза қилинаётган ҳамда улардан фойдаланилаётганда қонунчиликда белгиланган тартибда жамоат экология экспертизасини ўтказишлари ва жамоат экология назоратини амалга оширишлари мумкин. Давлат табиат ёдгорликларини кўриқлаш бундай ёдгорликлар қайси юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларида жойлашган бўлса, шу юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилади. Агар давлат буюртма кўриқхоналари ва давлат табиат ёдгорликлари юридик ҳамда жисмоний шахсларга берилмаган ер участкаларида жойлашган бўлса, уларнинг кўриқланишини таъминлаш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва махсус ваколатли давлат органлари зиммасига юклатилади.

Мазкур қонуннинг 28-моддасида эса “Давлат табиат ёдгорликлари ҳудудида уларнинг асралишига хавф соладиган ҳар қандай фаолият тақиқланади. Давлат табиат ёдгорликлари қайси юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларида жойлашган бўлса, шу юридик ва жисмоний шахслар зиммасига бундай ёдгорликларнинг режимини таъминлаш мажбуриятлари юклатилади. Диний мақсадларда фойдаланиладиган давлат табиат ёдгорликлари диний ташкилотларга ёки жисмоний шахсларга бундай ёдгорликларни ободонлаштириш ва асраш ишларини амалга ошириш шарт билан фойдаланишга ёки ижарага берилиши мумкин” эканлиги белгилаб қўйилган. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасининг “Муҳофаза

этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги қонунида “давлат табиат ёдгорликлари ҳудуди асралишига ҳавф соладиган ҳар қандай фаолият тақиқланиши белгилаб қўйилган. Табиат бу – табиий, объектив мавжудлик; инсон онгидан мустақил равишда мавжуд бўлган моддий ҳаётнинг тадрижий ривожланиши натижаси; яшил табиат – ҳуқуқий муҳофаза (оламдан фарқли ўлароқ).

Илмий мақолани тайёрлашда умумлаштириш, дедуксия, тизимли ёндашув, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, статистик ва амалиёт материалларини ўрганиш каби усуллардан фойдаланилган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Табиат ёдгорликлари эса давлат муҳофазасига олинган экологик-маданий, реликтга оид ва илмий аҳамиятга эга ноёб ва диққатга сазовор фойдаланишдан чиқарилган табиий объектлар; тирик ёки жонсиз табиатнинг илмий, маданий, тарихий меъморчилик ёки эстетик жиҳатдан ноёб бўлган, камёб ва диққатга сазовор объектларга эга муҳофаза қилинадиган табиий ҳудуд; табиат ёдгорликлари сифатида шаршара, ноёб дарахтни эътироф этиш мумкин. Хусусан Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги Сайроб чинори, Олтинсой туманида жойлашган Сангардак шаршараси, Бойсун туманидаги “Тешиктош гори” шулар жумласидандир.

Бўлиниш мезонлари (хили бўйича: ботаник, геологик, гидрогеологик, зоологик ва мажмуавий). Табиатни муҳофаза қилиш деганда табиий бойликларни сақлаш ва қайта тиклаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш таъминловчи, хўжалик фаолиятининг инсон саломатлигига салбий таъсирини олдини олувчи одам фаолияти ва атроф табиий муҳит ўртасида рационал ўзаро таъсирини сақлаб туришга йўналтирилган чора-тадбирлар тизими.

Ҳозирги кунда табиатни асраш ва ундан оқилона фойдаланишни назорат қилиб турадиган давлат органлари мавжуд, хусусан Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси – табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш соҳасида давлат назоратини ҳамда тармоқлараро бошқарувни амалга оширувчи, идоралардан устун турувчи ва мувофиқлаштирувчи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига бўйсунган махсус ваколатли орган ҳисобланади.

Мустақил давлатимизда ҳозирги кунда табиатни муҳофаза қилиш хусусан давлат табиат ёдгорликларини экологик ҳуқуқий муҳофаза қилиш бўйича бир қатор ижобий ишлар амалга ошириб келинмоқда, албатта биз келажак авлодга ўзимиздан мерос сифатида табиат томонидан тухфа этилган барча бойликларни

асраб авайлаб сақлаган ҳолда қолдиришимиз керак. Бунинг учун бу борада хорижий давлатларнинг ижобий ҳисобланган тажрибаларни ўрганиб ўзимизда тадбиқ этишимиз фойдадан ҳоли бўлмайди албатта.

Жумладан, хорижий давлатларда, жумладан АҚШда табиатни муҳофаза қилиш ўзига хос хусусиятларга эга. Кўпчилик мамлакатларда 4 хил кўриқхоналар мавжуд:²

1) табиий резерватлар-катъий режим билан ишлайдиган хатто кишиларнинг кириши ҳам ман этилган катта майдонлар. Бундай кўриқхоналарда ноёб ўсимликлар ва ҳайвонлар кўриқланади. Уларда илмий ишлар олиб борилади;

2) миллий (халқ) парклар-йирик кўриқхоналарда бутун табиий комплекс муҳофаза қилинади. Бадий кўриқхоналар Ғарбий Европа яъни Германияда , Африка, Шимолий Америка, миллатлар ҳамкорлигидаги мамлакатлар жуда кенг тарқалган бўлиб, бу кўриқхоналарга кишилар пул тўлаб кирадилар. Энг катта ва машҳур миллий паркларга йилига бир неча 10 млн. киши киради. Масалан: АҚШ даги машҳур “Эллоустон” миллий паркига ташкил этилганидан бери (1872 йилдан) ҳозиргача 100 млндан ортиқ киши келиб кетган.

3) табиат ёдгорликлари-ғор, ер ости тоғ жинслари очилиб қолган жойлар, катта ёки баҳайбат дарахтлар, ажойиб шаклдаги қоялар, шаршаралар каби айрим объектлар кўриқланадиган кичик кўриқхоналардир. Табиий ёдгорликлар, тарихий объектлар бўлиб сақланади.

4) чала балки қисман мавжуд кўриқхоналарда айрим объектлар муҳофаза қилинади. Бадий кўриқхоналар заказниклар деб аталиши мумкин. Ов қилиш ёки балиқ тутиш ман этилган майдонлар заказниклар деб юритилади.

Чет мамлакатлардаги кўриқхоналарнинг умумий сони ва майдони шуни кўрсатадики, аҳоли зич яшайдиган ва табиий шароити хилма-хил бўлган мамлакатларда кўриқхоналар нисбатан катта майдонни эгаллаган. умуман олганда, дунёда кўриқланадиган майдонлар жуда нотекис жойлашган. Чунончи, Чехославакияда кўриқхоналарнинг нисбий майдони Франциядагига нисбатан 60 марта, Кенияда Жазоирдагига нисбатан 1,5 минг марта каттадир. Осиё мамлакатларига қолганда, Шри-Ланкада кўриқланадиган майдонлар Хиндистондагига нисбатан 45 марта кўп.

Германия Европа мамлакатлар орасида табиатни муҳофаза қилишига биринчи бўлиб киришган, чунки Иккинчи жаҳон урушидан сўнг табиатнинг

² Холмўминов Ж.Т ., Сафаров Ж.И. Хорижий мамлакатларда табиий ресурслар ҳуқуқи: қиёсий таҳлил ва қонунчиликини такомиллаштириш. Монография. Масъул муҳаррир: проф. М.Б.Усмонов. - Тошкент: Тошкент давлат юрилик институти нашриёти, 2012. — 228 б.

нобуд қилиниши натижасида табиий бойликларнинг камайиб кетганлигининг бу мамлакат бошқа давлатлардан олдинроқ сезади. 1954 йилда табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида қонун қабул қилинади. Бу қонунга кўра табиатни муҳофаза қилиш Давлат бошқармаси Германияда табиатни муҳофаза қилиш барча тадбирлар комплексини назорат қилиш ва ташкил этиш бош органи тузилди. Германияда 70-йилларда умумий майдони 44100 га бўлган 200 та кўриқхона ва умумий майдони 21726 га бўлган 270 та кўриқхона керак. Ўрмон участкалари, шунингдек, майдони 199100 га бўлган 334 та кўриқландиган ландшафт участкалари бўлган. Бундан ташқари, объект майдони кичикроқ бўлган 10000 га табиат ёдгорликлари ишлаб турибди. Германияда табиатни муҳофаза қилиш ҳамда табиий бойликларни, биринчи галда камайиб кетаётган фауна ва флорани сақлаб қолиш ва имкони борича сонини кўпайишига қаратилган ишлар яхши йўлга қўйилган. Кўриқхоналарда ва табиат ландшафтларини ўрганиш ҳамда муҳофаза қилиш илмий тадқиқот институтида кўриқхона ишига назарий ва амалий тавсиялар берадиган махсус илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда³.

Америка Қўшма Штатларида ҳам ер-сув, ўрмон ва ҳайвонларни йиртқичларга нест-нобуд қилишга қарши курашишга доир мисоллар кўп. Аср бошларида АҚШда ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш соҳасида 300 га яқин қонун қабул қилинган. Ана шу даврдан бошлаб катта фойда келтирадиган кўриқхоналар миллий парклар барпо этила бошланди. Юқорида тилга олинган АҚШнинг шимоли-ғарбидаги Вайоминг штатида жойлашган Эллоустон миллий паркидан ташқари (9 млн. км²) бошқа йирик кўриқхоналар (Техасда) Бия-Блд (300 мингга), Гавайи, Олимпия кўриқхоналари ҳам туристлардан катта даромад олмоқда⁴.

Жаҳонда банклар давлати деб ҳисобланган Швецарияда эса табиатни муҳофаза қилиш Миллий даромаднинг энг муҳим манбаларидан бири бўлган чет эл туризм ривожланган бу кейинчалик мамлакатда табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари алоҳида аҳамиятга эга. Четдан мумкин қадар кўпроқ туристларни жалб қилиш учун табиатдаги барча ажойиб объектларни ўз холида сақлаш керак. Ўтмишда туризм билан шуғулланмаган даврда табиатга анча зарар этказилди, баъзи бир туёқли ҳайвонлар ва паррандалар (болтаютар, калжурчи, кист) қириб юборилган. Бироқ кейинги 60 йил ичида баъзи бир ҳайвонлар, аввало, ов қилинадиган ҳайвонлар сони тикланади.

³ Qodirov, A. (2021). ЭКОЛОГИК ТУРИЗМ ЗАХИРАЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИНИ БАҲОЛАШ МАСАЛАЛАРИ. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz)*, 8(8).

Давлат табиат ёдгорликларининг аксарият қисми давлат кўриқхоналари ҳудудида жойлашганлигини инобатга олиб, бугунги кунда мамлакатимиздаги кўриқхоналарни янада илмий ҳихатдан ўрганиб, экологик ҳуқуқий муҳофаза қилишни такомиллаштириб бориш давр талаби эканлигини ҳар биримиз ҳис қилиш ўзимиз керак бўлади. Бугун табиатни асл ҳолича сақлаб қолиш, унинг бетакрор гўзаллиги ва табиий ресурсларини келажак авлодга шундайлигича етказиш ҳар бир юртдошимизнинг бурчи саналади. Шундай экан, тафаккур қилган ҳолда табиатга нисбатан меҳр билан муносабатда бўлиш лозим. Айти дамда атроф-муҳитнинг нақадар мафтункорлигини юртимиздаги кўриқхона ва миллий боғлар мисолида кўриш мумкин. Шундай экан, келинг, улар ҳақидаги қизиқарли маълумотлар билан атрофлича танишамиз. Ҳозирда мамлакатимизда 9 та давлат кўриқхонаси, 2 та миллий табиат боғи, 10 та давлат буюртмахонаси, Ўзбекистон республикасида ягона ҳисобланган нодир ҳайвонлар турларини кўпайтиришга ихтисослашган “Жайрон” экомаркази алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Улардан бири “Бадай-тўқай” давлат кўриқхонаси бўлиб 1971 йилда ташкил этилган. Майдони 6642 гектар бўлиб, Қорақалпоғистон Республикасида жойлашган. Кўриқхона ҳудудида ҳайвонларнинг 135 тури, ўсимликларнинг 160 тури учрайди. Ҳудуддаги 11 тур ҳайвон, икки тур ўсимлик “Қизил китоб”га киритилган. “Бадай – тўқай” кўриқхонасининг Амударё этакларидаги қисми тўқайзор энг кўп сақланиб қолган ҳудуд эканлиги билан аҳамиятлидир. Унда тўқайзорга хос бўлган ҳайвонот ва ўсимликларнинг қатор хусусиятли турлари бор.

Тошкент вилоятидаги Чотқол давлат биосфера кўриқхонаси 1947 йилда ташкил топган ва 35724 гектар майдонга эга. Ушбу ҳудудда ҳайвонларнинг 152 тури, ўсимликларнинг 700 тури бор. Ҳайвонлардан 16 тури, ўсимликлардан 13 тури “Қизил китоб”га кирган. Чотқол биосфера кўриқхонасининг асосий вазифаси табиий ҳолатда бой экотизимли участкалар, Фарбий Тяншаннинг тоғли экотизимларини сақлаш ва атроф-муҳит ҳолатининг экологик мониторингидан иборат. Кўриқхона Ўзбекистоннинг ранг-баранг генофонди, қадимги одамлар маданиятининг тарихий ёдгорликлари ва ҳаёт тарзининг излари сақланган ҳудуд сифатида ташкил этилган.

Самарқанд вилоятида жойлашган Зарафшон давлат кўриқхонаси эса 1975 йилда ташкил топган. Умумий майдони 2352 гектар. Кўриқхона ҳудудида ҳайвонларнинг 170 тури, ўсимликларнинг 300 дан ортиқ тури бор. Бош мақсад бу ерда нодирсаналган, 100 гектар ҳудудни эгаллаган камёб ва доривор тўқай ўсимлиги – крушиносимон чаканданинг сақлаб қолиш, унинг майдонини

кенгайтириб бориш ва йўқолиб бораётган Зарафшон қирғовулининг популяциясини қайта тиклаш, сақлаш, бошқа қуш, хайвонлар турларини табиий муҳитда яшашини таъминлашдан иборатдир.

Жиззах вилоятидаги Зомин тоғ арчазорлари давлат қўриқхонаси 1928 йилдан бери фаолият олиб боради. Унинг умумий майдони 26848 гектарга тенг. Ҳайвонларнинг 152 тури, ўсимликларнинг 700 тури яшайди. Қўриқхонадаги ҳайвонларнинг 16 тури, ўсимликларнинг 13 тури “Қизил китоб”га киритилган. Бу қўриқхона Ўзбекистондаги энг эски қўриқхоналардан бўлиб, худудининг 22128 гектари ўрмон билан қопланган. Асл тоғли арчазор ўрмонлар шу қўриқхонада сақланиб қолган⁵.

Энди Миллий табиий боғларга келсак, табиий боғлар алоҳида экологик, маданий ва эстетик аҳамиятдаги табиатни муҳофаза қилиш йўналишида, рекреацион, илмий ва маданий мақсадлардаги табиий объект ва мажмуаларни асраш ҳамда фойдаланишга қаратилган муҳофаза этиладиган табиий худудлардир. Булар республикамизда иккита бўлиб, биринчиси Зомин миллий боғи 1976 йилда ташкил этилган. Миллий боғ Зомин туманида жойлашган ва унинг жануби – шарқий қисмидаги умумий майдони 24110 гектарни ташкил этиб, 16828 гектари ўрмон билан қопланган. Туркистон тоғ тизмалари билан туташган. Боғнинг шарқий қисми Тожикистон билан чегарадош. Боғда 700 тур ўсимлик, шундан 13 тури “Қизил китоб”га киритилган, хайвонлардан 153 тури мавжуд.

Угом- Чотқол давлат табиат миллий боғи эса 1990 йилда ташкил этилган бўлиб, жойлашган ўрни – Тошкент вилояти. Майдони 5740 гектарни ташкил этиб, денгиз сатхидан 900 -4000 метргача баландликда жойлашган. Боғнинг ўсимлик дунёси жуда бой бўлиб, 1000 дан ортиқ турлари учрайди. Ҳайвонларнинг 550 тури мавжуд.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, қўриқхона ва миллий боғлар шунчаки фаолият кўрсатмаяпти, балки яшаяпти. Қўриқхоналардаги илмий – тадқиқот кузатувлари узоқ анъанага эга. Бажарилган ишларни кўрсатиб ўтишга узоқ вақт кетади, лекин келажакда қилиниши лозим бўлган ишлар кўлами ҳам етарли. Келажак авлодларимиз учун ўлкамизнинг бундай бетакрор гўшаларини сақлаб қолиш—бизнинг асосий вазифамиздир.

Бетакрор табиатга эга бўлган Китоб давлат геологик қўриқхонаси 1979 йилда ўз ишини бошлаган. Унинг худуди 3938 гектарни ташкил этади. Қашқадарё вилоятидаги ушбу қўриқхонани 168 турдаги ҳайвонлар, 800 турдаги

⁵ Холмо‘минов, J. (2016). Экология ҳуқуқи соҳасида илмий таҳлил ва илмий тадқиқотларнинг кейинги истиқболлари. *О‘zbekiston qonunchiligi tahlili*, (1), 75-79.

ўсимликлар ўзига ватан қилган. Улардан 10 тур ҳайвонлар, 22 тур ўсимликлар вакили “Қизил китоб”га киритилган. Ушбу қўриқхонанинг мақсади табиатнинг нодир ёдгорликлари, палеонтология, седиментология ва бошқа зарур табиий илмий-тадқиқот полигонини қўриқлаш, шунингдек Халқаро девон мактаби, Хўжақўрғон ва Зинзилбан сойлари ҳудудида илмий тадқиқотлар базасини шакллантиришдан иборат.

1987 йилда ташкил этилган Сурхон давлат қўриқхонасининг майдони 24554 гектар ҳудудни эгаллайди. Бу ерда ҳайвонларнинг 100 дан ортиқ тури, ўсимликларнинг 600 тури учрайди. Улардан 22 тури “Қизил китоб”га кирган. Қўриқхонанинг 9284 гектар майдони ўрмон билан қопланган. Унда морхурлар, Бухоро тоғ қўйи каби ҳайвонлар, кушлардан бургут, болтаютар каби камёб кушларни кўриш мумкин. Тошлардаги морқур ва қўйни овлаш тасвирланган қадимий битиклар жаҳон аҳамиятига молик Зарауткамар ноёб археологик ёдгорликлари сифатида муҳофазага олинган. Бойсунтоғнинг Тешиктош ғорида ҳаммага маълум неандертал боланинг тўлиқсиз скелети топилган. Сурхон қўриқхонаси ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсининг бойлиги билан ажралиб туради.

Қизилқум давлат қўриқхонаси эса 1971 йилда ташкил этилган. Майдони – 10311 гектар. Жойлашган ўрни – Хоразм ва Бухоро вилоятларида. Ҳайвонларнинг 250 тури (10 дан ортиқ тури “Қизил китоб”га киритилган), ўсимликларнинг 160 тури (2 тури “Қизил китоб”га киритилган, мавжуд. Ўрмон билан қопланган ҳудуди 5338 гектарни ташкил этиб, қўриқхона тўқайли - кумлоқ экотизимларнинг биохилма-хиллиги, тўқайли ўрмонларнинг аборигени ҳисобланган Бухоро буғуларини сақлаш мақсадида ташкил этилган.⁶

Мамлакатимиздаги энг йирик Ҳисор давлат қўриқхонаси 1983 йилда ташкил топган бўлиб, унинг майдони 80986 гектарга тенг. Қашқаларё вилоятидаги ушбу қўриқхонада ҳайвонларнинг 268 тури, ўсимликларнинг 900 тури учрайди. 16 тур ҳайвонлар, 32 тур ўсимликлар “Қизил китоб”дан жой олган. Ҳисор қўриқхонаси денгиз сатҳидан 4500 метр баландликда жойлашган бўлиб, 22766 гектарини арчазорлар қоплаган. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси жуда бой.⁷

⁶ Rayimov, A. (2020). БУХОРО ВИЛОЯТИ ВА УНГА ТУТАШ ҲУДУДЛАР (ОЁҚОФИТМА, ҚАНДИМ, ОЁҚҒУЖУМЛИ, ҚИЗИЛҚУМ ДАВЛАТ ҚЎРИҚХОНАСИ) СУДРАЛИБ ЮРУВЧИЛАРИНИНГ БАҲОРГИ ТУР ТАРКИБИ ВА СОНИ. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz)*, 6(2).

⁷ Toshboev, Z. M., Urozaliev, I. M., & Khamzaev, J. R. (2022). PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF ECOTOURISM IN PROTECTED NATURAL AREAS. *Journal of Geography and Natural Resources*, 2(01), 75-86.

ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ва халқга қилган мурожатномасида куйидагилар кўрсатиб ўтилди “**тўртинчи йўналиш** экология, айниқса, сув масалалари глобал муаммога айланиб бораётгани билан боғлиқ. Биз нафақат бугунги, балки келажак авлодларни ҳам ўйлашимиз шарт. Шу боис, Конституциямизда табиий ресурслар, жумладан, сув хавзалари ва ер ости захираларини муҳофаза қилиш бўйича талабларни кучайтиришимиз зарур”, “ҳозирги вақтда бутун дунёда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам жиддий экологик муаммолар пайдо бўлмоқда. Аксарият ҳудудларимизда тупроқ таркиби бузилиб, унумдор ерлар қисқариб бораётгани, чўлланиш, сув етишмаслиги, қурғоқчилик, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш шулар жумласидандир. Табиатимизни асраб-авайлаш, сув, ҳаво ва атроф-муҳитни тоза тутиш келгуси йилда ҳар бир маҳалла аҳолисининг маданияти ва амалий ҳаракатига айланиши керак. Бу борада мавжуд вазиятни ижобий томонга ўзгартириш учун экология ва атроф-муҳитни асраш бўйича саъй-ҳаракатларимизни, хусусан, “**Яшил макон**” умуммиллий лойиҳаси доирасидаги ишларимизни кучайтирамиз,-” деб таъкидлаб ўтилди. Бундан келиб чиққан ҳолда она табиатни асраб авайлаш ва келажак авлодга етказишимиз учун бу борада етарли ишларни амалга оширишимиз зарур бўлади.

Умуман олганда, бугунги кунда долзарб бўлиб бораётган “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар” ни асраб авайлаш нафақат давлат органларининг балки жаъмятимизнинг ҳар бир фуқаросининг муқаддас бурчига айланиши зарурлиги замон талабига айланиб бораётганлигини эътироф этиш лозим бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Умумжаҳон маданий ва табиий меросини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Конвенция (Париж, 1972 йил 16 ноябрь, ЎЗР ОМ 1995 йил 22 декабрдаги 182-І-сон қарори билан ратификация қилинган).
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент. Ўзбекистон, 2022
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 20.12.2022 йил кунидаги Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси ва халқига қилинган мурожаатномаси. <https://xabar.uz/jamiyat/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoyevning>
4. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августдаги “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуни.//

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 180-модда.

5. 2018 йил 19 декабрдаги “Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.03.2021 й., 09/21/119/0190-сон

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисидаги Фармони.//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.03.2020 й., 06/20/5953/0246-сон.

7. Ўзбекистон Республикасининг “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги ” 2004 йил 03 декабрь кунидаги 710-II сонли қонуни.

8. Tursunovich, K. O. (2022). FINTECH-CIVIL LEGAL RELATIONS AS AN OBJECT. *World Bulletin of Management and Law*, 17, 42-47.

9. Saidakhrarovich, G. S., & Tursunovich, K. O. (2022). DIGITAL FUTURE & CYBER SECURITY NECESSITY. *World Bulletin of Management and Law*, 10, 31-45.

10. Dilboboev, N. (2022). Issues for Enforcement of Decisions of the International Investment Arbitration on Interim Measures. *Available at SSRN 4299453*.

11. Shavkatugli, D. N. (2022). Conciliation as a Means of Adr Vs Arbitration and Mediation. *European Multidisciplinary Journal of Modern Science*, 6, 430-436.